# VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига жами рўйхатга олинган юридик шахслар сони 32090 тани ташкил қилиб, шундан 25803 таси ёки 80,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда ва 6287 таси еки 19,6 фоизи фаолият кўрсатмаётганларни ташкил қилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 15419 та (48,1 фоиз), савдо 4308 та (13,4 фоизи), саноат 2365 та (7,4 фоизи) ва қурилиш 2179 та (6,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**2020 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича жамирўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларсони,** *бирликда*

| | *Рўйхатга олинганлар* | | | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2018 й.* | | *2019 й.* | | *2018 й.* | | *2019 й.* | |
| | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* |
| **Жами** | **28760** | **100,0** | **32090** | **100,0** | **24332** | **100,0** | **25803** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 14709 | 51,1 | 15419 | 48,1 | 10644 | 43,7 | 9477 | 36,7 |
| Саноат | 1846 | 6,4 | 2365 | 7,4 | 1796 | 7,4 | 2321 | 9,0 |
| Қурилиш | 1740 | 6,1 | 2179 | 6,8 | 1709 | 7,0 | 2148 | 8,3 |
| Савдо | 3283 | 11,4 | 4308 | 13,4 | 3180 | 13,1 | 4203 | 16,3 |
| Ташиш ва сақлаш | 775 | 2,7 | 852 | 2,7 | 749 | 3,1 | 832 | 3,2 |

| | Рўйхатга олинганлар | | | | Фаолият кўрсатаётганлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2018 й. | | 2019 й. | | 2018 й. | | 2019 й. | |
| | сони | жамига нисбатан, % | сони | жамига нисбатан, % | сони | жамига нисбатан, % | сони | жамига нисбатан, % |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 933 | 3,2 | 1171 | 3,6 | 905 | 3,7 | 1139 | 4,4 |
| Ахборот ва алоқа | 309 | 1,1 | 329 | 1,0 | 293 | 1,2 | 315 | 1,2 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 297 | 1,1 | 367 | 1,1 | 292 | 1,2 | 363 | 1,4 |
| Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4868 | 16,9 | 5100 | 15,9 | 4764 | 19,6 | 5005 | 19,5 |

**Рўйхатдан ўтган юридик шахслар**
*(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)*

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 18834 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича 22,9 % савдо, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11,5 %, саноатда 12,6 %, қурилишда 11,6 %, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 6,2 %, ташиш ва сақлашда 4,5%, ахборот ва алоқада 1,7 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 1,9 % ҳамда бошқа фаолият турларида27,1 % дан тўғри келмоқда.

2019 йил январь-декабрида жами 3858 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3645 та). Уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 29,1 фоизи), Тўрткўл (10,1 фоиз), Амударё (6,7 фоиз), Беруний (7,2 фоиз), Қўнғирот (6,4 фоиз) ва Элликқаъла (5,9 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётганкорхона ва ташкилотлар сони,** *бирликда*

| | *Рўйхатга олинганлар* | | | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2018 й.* | | *2019 й.* | | *2018 й.* | | *2019 й.* | |
| | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* |
| **Жами** | **16031** | **100,0** | **18834** | **100,0** | **15590** | **100,0** | **18404** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1980 | 12,4 | 2163 | 11,5 | 1902 | 12,2 | 2078 | 11,3 |
| Саноат | 1846 | 11,5 | 2365 | 12,6 | 1796 | 11,5 | 2321 | 12,6 |
| Қурилиш | 1740 | 10,8 | 2179 | 11,6 | 1709 | 11,0 | 2148 | 11,7 |
| Савдо | 3283 | 20,5 | 4308 | 22,9 | 3180 | 20,4 | 4203 | 22,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 775 | 4,8 | 852 | 4,5 | 749 | 4,8 | 832 | 4,5 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 933 | 5,8 | 1171 | 6,2 | 905 | 5,8 | 1139 | 6,2 |
| Ахборот ва алоқа | 309 | 1,9 | 329 | 1,7 | 293 | 1,9 | 315 | 1,7 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 297 | 1,9 | 367 | 1,9 | 292 | 1,9 | 363 | 2,0 |
| Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4868 | 30,4 | 5100 | 27,1 | 4764 | 30,5 | 5005 | 27,2 |

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 18834 тани ташкил қилиб, шундан 18404 таси ёки 97,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

2020 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган тижорат ташкилотларининг сони 15131 тани ташкил этди. Рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг умумий сонидан 10559 таси масъулияти чекланган жамиятлар, 3221 таси хусусий корхоналар, 1043 таси оилавий корхоналар ва 27 таси акциядорлик жамиятлари ҳиссасига ҳамда 281 таси бошқа тижорот ташкилотлари хиссаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналари-юридик шахслар ташкилий ҳуқуқий шакллари**
*(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)*




**Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони**, *бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*




Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотлари бўйича, 2020 йил 1 январь ҳолатига 15050 та кичик корхона ва микрофирмалар – юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 фоизга ошган. Шунингдек, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 3645 та субъект янгидан ташкил топган ҳамда 959 та субъект тугатилган ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан янгидан ташкил топганлар 167,4фоизни ҳамда тугатилган ташкилотлар 106,3 фоизни ташкил этди.

**Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони,***бирликда*




**2020 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар сони,** *бирликда*
*(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)*

| | *Рўйхатдан ўтган* | *Фаолият кўрсатаётган* | *Янги ташкил этилган* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **18834** | **18404** | **3858** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2163 | 2078 | 361 |
| Саноат | 2365 | 2321 | 741 |
| Қурилиш | 2179 | 2148 | 537 |
| Савдо | 4308 | 4203 | 1297 |
| Ташиш ва сақлаш | 852 | 832 | 126 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1171 | 1139 | 247 |
| Ахборот ва алоқа | 329 | 315 | 68 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 367 | 363 | 76 |
| Бошқа турлари | 5100 | 5005 | 405 |

Ҳудудлар бўйича рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони бўйича энг кўпи Нукус шаҳри (5769 та), Тўрткўл (1955 та), Беруний (1580 та), Амударё (1388 та) ва Элликқалъа (1168 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтакўпир (347 та), Мўйноқ (421 та) ҳамда Шуманай (471 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

## Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 18404 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 2814 та (18,1 %) га ўсган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 22,8 % савдо, 12,6 % саноат, 11,7 % қурилиш, 11,3 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,5 % ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада 1,7 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 2,0 % ва 27,2 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар жамига улуши, %**

*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*



Ҳудудлар кесимида қаралганда, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони энг кўпи Нукус шаҳри (5694 та), Тўрткўл (1860 та), Беруний (1551 та), Амударё (1328 та) ва Элликқалъа (1164 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтакўпир (332 та), Мўйноқ (417 та)ҳамда Шуманай (466 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

**Худудлар кесимида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони,** *бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*



## Янги ташкил этилган юридик шахслар

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 3858 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 46,4 % га кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар Нукус шаҳри (1122 та), Тўрткўл (389 та), Амударё (260 та) ва Беруний (279 та) туманлари ҳиссасига тўгри келади. Аксинча Тахтакўпир (65 та), Қонликўл (96 та), Шуманай (108 та) ҳамда Қораўзак (113 та) туманларида корхона ва ташкилотларни ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс этган.

**Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони,***бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*



Иқтисодий фаолият турлари кесимида, энг кўпи савдо (1297 та), саноат (741 та), қурилиш (537 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (361 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг ками эсас соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (76 та)ахборот ва алоқа (68 та), ҳамда ташиш ва сақлаш (126 та) фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

**Январь-декабрь ойлари учун янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони,***бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | *2018 йил* | | *2019 йил* | |
|---|---|---|---|---|
| | *корхона сони* | *улуши, %* | *корхона сони* | *улуши, %* |
| **Республика бўйича жами** | **2636** | **100,0** | **3858** | **100,0** |
| Савдо | 450 | 17,1 | 1297 | 33,6 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 348 | 13,2 | 361 | 9,4 |
| Қурилиш | 420 | 15,9 | 537 | 13,9 |
| Саноат | 501 | 19,0 | 741 | 19,2 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 145 | 5,5 | 247 | 6,4 |
| Ташиш ва сақлаш | 85 | 3,2 | 126 | 3,3 |
| Ахборот ва алоқа | 23 | 0,9 | 68 | 1,8 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш | 53 | 2,0 | 76 | 2,0 |
| Бошқа турлари | 611 | 23,2 | 405 | 10,4 |

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидаги сони,***бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*




2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 155 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34 тага ёки 28,1 % га ўсган. Ушбу корханаларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Жанубий Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида сони,** *бирликда*



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 87 таси қўшма корхоналар, 68 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, *бирликда***




Ҳудудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Нукус шаҳри (34 та ёки жамидаги улуши 21,9 %), Мўйноқ тумани (24 та ёки 15,5 %) ва Тахиатош тумани (11 та ёки 7,1 %) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Хўжаили ва Тўрткўл (4 тадан ёки 2,6 %), Чимбой, Шуманай ва Элликқалъа (5 тадан ёки 3,2 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўп саноатда 75 та (48,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 39 та (25,2%) ҳамда савдода 21 та (13,5 %) ташкил қилган. Энг камлари эса яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 3 тадан (1,9 %),ташиш ва сақлашда 2 тани (1,3 %) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса яшаш ва овқатланишда,соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда ҳамда ташиш ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони,** *бирликда*




**Янги ташкилэтилганхорижий капитал иштирокидагикорхоналар.**

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 39 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 тага кўпайган.

Бунда, Хитой Халк Республикаси -16 та, Қозоғистон Республикаси -7 та, Корея Республикаси-5 та, Россия Федерацияси-3 та, ТуркманистонРеспубликаси, Британиянинг Виргиния Ороллари - 2 тадан ҳамда Нидерландия қироллиги ва Туркия Республикалари, Грузия Республикаси ва Қирғизистон Республикаси - 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янгидан рўйхатдан ўтган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида улуши,**

*жамига нисбатан фоиз ҳисобида*




Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда (14 та),қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (10 та),савдо (9 та) соҳаси ҳиссаларига тўғри келади.

**Январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, ўсиш динамикаси**

| | *2018 йил* | | *2019 йил* | |
|---|---|---|---|---|
| | *жами* | *умумий сонига нисбатан, %* | *жами* | *умумий сонига нисбатан, %* |
| **Республика бўйича жами** | **36** | **100,0** | **39** | **100,0** |
| Савдо | 2 | 5,6 | 9 | 23,1 |
| Саноат | 14 | 38,9 | 14 | 35,9 |
| Қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги | 15 | 41,7 | 10 | 25,6 |
| Қурилиш | 1 | 2,8 | 3 | 7,7 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 2 | 5,6 | 1 | 2,6 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1 | 2,7 | 1 | 2,6 |
| Бошқа турлар | 1 | 2,7 | 1 | 2,5 |

**Кичик корхона ва микрофирмалар сони.**

2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 14677 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич йилга нисбатан 22,5 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, 4805 таси (32,7 %) Нукус шаҳри, 1599 таси (10,9 %) Тўрткўл, Беруний 1252 таси (8,5 %) ҳамда 1022 таси (7,0 %) Амударё туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг 4187 таси (28,5 %) – савдо, 2294 таси (15,6 %) - саноат, 2138 таси (14,6 %) - қурилиш, 2025 таси (13,8 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1135 таси (7,7 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 827 таси (5,6 %) - ташиш ва сақлаш, 277 таси (1,9 %) - ахборот ва алоқа соҳаси, 263 таси (1,8 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1531 таси (10,5 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо,саноат ҳамда қурилишсоҳаси фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаси фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича жамига улуши, %**

*жамига нисбатан фоиз ҳисобида*




2019 йилнинг январь-декабрьойларида 3645 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 бараварга кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Нукус шаҳри (1058 та), Тўрткўл (371 та), Амударё ваБеруний (251 тадан), Элликқаъла (215 та) ва Қўнғирот туманлари (230 та) ҳиссасига тўғри келади. Энг кам эса Тахтакўпир (62 та) ҳамда Қанликул (93 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдода (1297 та), саноатда (741 та), қурилишда (536 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (358 та) ташкил этилган. Энг кам эса ахборот ва алоқада (68 та) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (54 та) ташкил этилган.

## Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 1043 тани ташкил этиб, улардан 1013 таси ёки 97,2 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 53,2 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 24,8 % ёки 251 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 28,0 % ёки 284 таси саноат, 27,8 % ёки 282 таси савдо, 5,9 % ёки 60 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2,2 % ёки 22 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,6 % ёки 16 таси ахборот ва алоқа, 1,0 % ёки 10 таси қурилиш, 0,5 % ёки 5 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 8,2 % ёки 83 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган ҳамда янгидан ташкил этилган оилавий корхоналар сони,** *бирликда*



**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича жамига улуши, %**

*жамига нисбатан фоиз ҳисобида*




Иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи савдо ҳамда саноатта, энг ками эса қурилиш, ташиш ва сақлаш каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

## Тугатилган корхона ва ташкилотлар

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 1056 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган.

Тугатилган 1056 та корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 265 таси (25,0 %) савдо, 154 таси (14,6 %) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 138 таси (13,1 %) қурилиш, 132 таси (12,5 %) саноат, 62 таси (5,9 %) ташиш ва сақлашда, 54 таси (5,1 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 34 таси (3,2 %) ахборот ва алоқада, 6 таси (0,6 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 211 таси (20,0 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми савдо ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келган.

**Январь-декабрь ойларида фаолияти тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирликда)*

| | *2018 йил* | | *2019 йил* | | *Фарқи, (+;-)* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *сони* | *жамига нисбатан, %* | *сони* | *жамига нисбатан, %* | |
| **Республика бўйича жами** | **996** | **100,0** | **1056** | **100,0** | **-60** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 133 | 13,4 | 154 | 14,6 | -21 |
| Саноат | 107 | 10,7 | 132 | 12,5 | -25 |
| Қурилиш | 120 | 12,1 | 138 | 13,1 | -18 |
| Савдо | 243 | 24,4 | 265 | 25,0 | -22 |
| Ташиш ва сақлаш | 89 | 8,9 | 62 | 5,9 | -27 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 77 | 7,7 | 54 | 5,1 | -23 |
| Ахборот ва алоқа | 36 | 3,6 | 34 | 3,2 | -2 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 32 | 3,2 | 6 | 0,6 | -26 |
| Бошқа фаолият турлари | 159 | 16,0 | 211 | 20,0 | -52 |

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 959 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми 264 таси (27,5 %) савдо, 151 таси (15,7 %) қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 137 таси (14,3 %) қурилишда, 130 таси (13,6 %) саноат, 62 таси (6,5 %) ташиш ва сақлашда, 54 таси (5,6 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 34 таси (3,5 %) ахборот ва алоқада, 4 таси (0,4 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 123 таси (12,9 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

**Корхона ва ташкилотлар сони,** *бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | *2020 йилнинг 1 январьҳолатига рўйхатга олинган* | *2019 йилнинг январь-декабрида* | |
|---|---|---|---|
| | | *ташкилтонди* | *тугатилди* |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **18834** | **3858** | **1056** |
| Нукус ш. | 5769 | 1122 | 426 |
| *туманлар:* | | | |
| Амударё | 1388 | 260 | 47 |
| Беруний | 1580 | 279 | 32 |
| Қонликўл | 495 | 96 | 15 |
| Қораўзак | 565 | 113 | 20 |
| Кегейли | 575 | 123 | 17 |
| Қўнғирот | 1024 | 247 | 125 |
| Мўйноқ | 421 | 155 | 23 |
| Нукус | 831 | 165 | 31 |
| Тахиатош | 581 | 136 | 24 |
| Тахтакўпир | 347 | 65 | 20 |
| Тўрткўл | 1955 | 389 | 46 |
| Хўжайли | 905 | 193 | 84 |
| Чимбой | 721 | 155 | 38 |
| Шуманай | 471 | 108 | 33 |
| Элликқалъа | 1168 | 229 | 75 |

**2020 йил 1 январь холатига рўйхатга олинган юридик шахсларни ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимлаш**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | Жами, бирлик | Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида | | Тижорат корхоналари сонида хусусий корхоналар улуши, % |
|---|---|---|---|---|
| | | нотижорат | тижорот | |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **18834** | **19,7** | **80,3** | **21,3** |
| Нукус ш. | 5769 | 15,5 | 84,5 | 14,2 |
| *туманлар:* | | | | |
| Амударё | 1388 | 21,9 | 78,1 | 12,9 |
| Беруний | 1580 | 18,8 | 81,2 | 32,0 |
| Қонликўл | 495 | 26,7 | 73,3 | 34,2 |
| Қораўзак | 565 | 23,2 | 76,8 | 13,1 |
| Кегейли | 603 | 29,2 | 70,8 | 16,9 |
| Қўнғирот | 1024 | 24,3 | 75,7 | 33,3 |
| Мўйноқ | 421 | 22,3 | 77,7 | 15,3 |
| Нукус | 831 | 17,6 | 82,4 | 10,9 |
| Тахиатош | 581 | 21,7 | 78,3 | 33,4 |
| Тахтакўпир | 347 | 33,1 | 66,9 | 27,2 |
| Тўрткўл | 1955 | 13,3 | 86,7 | 19,1 |
| Хўжайли | 905 | 20,8 | 79,2 | 22,3 |
| Чимбой | 721 | 28,2 | 71,8 | 21,0 |
| Шуманай | 471 | 27,0 | 73,0 | 49,4 |
| Элликқалъа | 1168 | 21,7 | 78,3 | 40,2 |

**2020 йилнинг 1 январь ҳолатига ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатдан ўтган тижорат корхоналарнинг умумий сони,** *бирликда (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари)*

| | Жами рўйхатдан ўтган | *шундан:* | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Масъулияти чекланган жамиятлар | Оилавий корхоналар | Хусусий корхоналар | Унитар корхоналар | Акциядорлик жамиятлари | Бошқалар |
| **ҚорақалпоғистонРеспубликаси** | **15131** | **10559** | **1043** | **3221** | **125** | **27** | **156** |
| Нукус ш. | 4877 | 3913 | 192 | 690 | 38 | 11 | 33 |
| *туманлар:* | | | | | | | |
| Амударё | 1084 | 698 | 234 | 140 | 4 | 1 | 7 |
| Беруний | 1283 | 774 | 69 | 410 | 5 | 2 | 23 |
| Қонликўл | 363 | 189 | 42 | 124 | 3 | 2 | 3 |
| Қораўзак | 434 | 358 | 7 | 57 | 5 | | 7 |
| Кегейли | 427 | 320 | 14 | 71 | 4 | 1 | 17 |
| Қунғирот | 775 | 447 | 46 | 258 | 16 | 1 | 7 |
| Мўйноқ | 327 | 258 | 11 | 50 | 3 | | 5 |
| Нукус | 685 | 557 | 42 | 75 | 4 | | 7 |
| Тахиатош | 455 | 238 | 50 | 152 | 10 | 3 | 2 |
| Тахтакўпир | 232 | 131 | 22 | 63 | 6 | | 10 |
| Тўрткўл | 1695 | 1210 | 139 | 324 | 8 | 2 | 12 |
| Хўжайли | 717 | 480 | 68 | 160 | 6 | 2 | 1 |
| Чимбой | 518 | 383 | 11 | 109 | 5 | 1 | 9 |
| Шуманай | 344 | 162 | 9 | 170 | 2 | | 1 |
| Элликқалъа | 915 | 441 | 87 | 368 | 6 | 1 | 12 |

**Кичиккорхоналарвамикрофирмалар (бизнес) сони,** *бирликда*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | *1 январь ҳолатига рўйхатга олинган* | | *2019йилянварь-декабрида* | | *Фарқи (+;-)* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *2019 й.* | *2020 й.* | *ташкилтопди* | *тугатилди* | |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **13627** | **15050** | **3645** | **959** | **1463** |
| Нукус ш. | 4021 | 4846 | 1058 | 392 | 825 |
| *туманлар:* | | | | | |
| Амударё | 1250 | 1077 | 251 | 43 | -173 |
| Беруний | 1033 | 1280 | 251 | 29 | 247 |
| Қонликўл | 399 | 362 | 93 | 12 | -37 |
| Қораўзак | 306 | 434 | 109 | 18 | 128 |
| Кегейли | 320 | 424 | 119 | 14 | 104 |
| Қўнғирот | 658 | 769 | 230 | 120 | 111 |
| Мўйноқ | 147 | 327 | 150 | 18 | 180 |
| Нукус | 498 | 684 | 159 | 28 | 186 |
| Тахиатош | 286 | 449 | 130 | 19 | 163 |
| Тахтакўпир | 175 | 228 | 62 | 11 | 53 |
| Тўрткўл | 2120 | 1687 | 371 | 43 | -433 |
| Хўжайли | 592 | 712 | 190 | 78 | 120 |
| Чимбой | 496 | 514 | 146 | 35 | 18 |
| Шуманай | 244 | 344 | 105 | 30 | 100 |
| Элликқалъа | 1082 | 913 | 215 | 69 | -169 |

**2020 йилнинг 1 январь холатига хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони,** *бирликда*

| | *Жами рўйхатга олинганлари* | *шу жумладан: фаолияткўрсатаётганлари* | *Фаолияткўрсатаётганларжамиганисбатан, фоизҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **156** | **155** | **99,4** |
| Нукус ш. | 34 | 34 | 100,0 |
| *туманлар:* | | | |
| Амударё | 6 | 6 | 100,0 |
| Беруний | 11 | 11 | 100,0 |
| Қонликўл | 6 | 6 | 100,0 |
| Қораўзак | 11 | 11 | 100,0 |
| Кегейли | 10 | 9 | 90,0 |
| Қўнғирот | 6 | 6 | 100,0 |
| Мўйноқ | 24 | 24 | 100,0 |
| Нукус | 9 | 9 | 100,0 |
| Тахиатош | 11 | 11 | 100,0 |
| Тахтакўпир | 5 | 5 | 100,0 |
| Тўрткўл | 4 | 4 | 100,0 |
| Хўжайли | 4 | 4 | 100,0 |
| Чимбой | 5 | 5 | 100,0 |
| Шуманай | 5 | 5 | 100,0 |
| Элликқалъа | 5 | 5 | 100,0 |

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига республика бўйича 156 та чет эл инвестициялари киритилган корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, шундан 155 таси яъни 99,4 фоизи фаолият юритяпти.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони,** *бирликда*

| | *Рўйхатга олинганлар* | *2019йилянварь-декабрида* | |
|---|---|---|---|
| | | *ташкил этилганлар* | *тугатилган* |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **155** | **39** | **2** |
| Нукус ш. | 34 | 13 | 1 |
| *туманлар:* | | | - |
| Амударё | 6 | 1 | - |
| Беруний | 11 | 5 | - |
| Қонликўл | 6 | 1 | - |
| Қораўзак | 11 | 4 | - |
| Кегейли | 9 | - | - |
| Қўнғирот | 6 | - | - |
| Мўйноқ | 24 | 6 | - |
| Нукус | 9 | 1 | - |
| Тахиатош | 11 | 2 | - |
| Тахтакўпир | 5 | - | - |
| Тўрткўл | 4 | 3 | - |
| Хўжайли | 4 | - | - |
| Чимбой | 5 | - | 1 |
| Шуманай | 5 | 1 | - |
| Элликқалъа | 5 | 1 | - |